



# HURRIYAT

Mustaqil gazeta

O'zingni angla!

2016-yil 26-oktyabr, chorshanba \* № 43 (1002) \* 1996-yil dekabrda chiqarib boshlagan \* Elektron manzil: info@uzhurriyat.uz \* www.hurriyat.uz

## Жаҳоннинг глобал муаммолари:

экология, моёя сув ва санитария, иқлим ўзгаришлари ва қуроқчилик

Хозирги кунда дунё мутахассислари энг кўп ўйланганди глобал муаммолар нималардан иборат эканлиги ҳақида жаҳон матбуоти орқали хабар топаёмиз. Хусусан, экология, тоза сув ва санитария...



⇒ 5-бет

## КЎРМАЙ ЁЗМАНГ

“Хуррият”нинг 2016 йил 12 октябрь сонида босилган “Ўйламай гапирган...” сарлавҳали лўқмани ўқидим-у, дарҳол муносабат билдиришга ўтирдим. Чунки Сўфи Оллоёр...



⇒ 6-бет

## БЕРУНИЙ ЭШТМАТАН НАҒМАЛАР

Ўзбек санъати ўзига хослиги, илди-зи чуқур ва мустаҳкамлиги билан дунё санъат мухлисари эътирофини қозонган. Биргина “Шашмақом” оҳанглари олайлик. Уни тинглаган-да Шарқ Фарб халқлари бирдек мутаассир бўлади. Бу нимадан?



⇒ 7-бет

## ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

19 октябрь кун матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифини бажарувчи Шавкат Мирзиёевнинг Ислон ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазири кенгаши 43-сессиянинг очилиш маросимидаги нутқи эълон қилинди.

Ислон ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазири кенгаши 43-сессия иштирокчилари 19 октябрь кун Самарқанд шаҳрига ташриф буюрди.

21 октябрда «Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил тўққиз ойида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирилик ҳақида Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг ахбороти эълон қилинди.

22 октябр кун Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони матбуотда эълон қилинди.

25 октябр кун матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда қишлоқ жойларида янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қурилиш дастури тўғрисида»ги қарори матбуотда эълон қилинди.

24 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифини бажарувчи Ш.Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари ходимлари кун муносабати билан бир гуруҳ ходимларни муқофотлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони ни имзолади.



“HURRIYAT” газетаси “Ўзбекистон ҳаёт-йўллари” миллий авиакомпанияси самолётларида ҳам йўловчиларнинг доимий ҳамроҳи.



## БИЛИМ ВА МАЪРИФАТ ҲАФТАЛИГИ

### “INFOLIB - 2016”

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида “INFOLIB - 2016” V Миллий ахборот-кутубхона ҳафталиги бўлиб ўтмоқда.

Унга турли вазирилик ва идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, худудлар ва тармоқлардаги ахборот-кутубхона муассасаларининг ходимлари, ўқитувчилар, маънавият тарғиботчилари, талаба-ёшлар, ўқувчилар таклиф этилди.

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазириликнинг биринчи ўринбосари А.Файзуллаев, Ёзувчилар уюшмаси раиси

М.Аҳмедов, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори А.Хўжаев ва бошқалар Биринчи Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ёшларнинг китобга бўлган қизиқишини қўллаб-қувватлаш, уларнинг замонавий билимларни эгаллаш йўлида мустаҳкам асос яратилганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикасининг «Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида»ги қонуни, мамлакатимиз аҳолисини ахборот-кутубхоналар билан таъминлашни ташкил этишга оид меъририй-ҳуқуқий ҳужжатлар фуқаролар билан ахборот-кутубхона масканлари ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш, маърифат масканларининг фаолияти, ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишнинг ҳуқуқий асосларини белгилаш, ахборот-кутубхона фондларини ташкил этиш, асраш ва улардан фойдаланишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу йўналишдаги сайёҳаракатларда барча жаҳонлар, айниқса, таълим, маърифий соҳаларга илғор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, ахборот-кутубхона муассасаларининг фаолиятини давр руҳи билан

ҳамоҳанг йўлга қўйиш, уларнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширишмоқда. Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхона, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари, Соғлиқни сақлаш вазириликлари, Ўзбекистон Фанлар академияси, Қасаба уюшмалари федерацияси кенгаши, Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ҳамкорлигида ташкил этилган «INFOLIB - 2016» ҳафталиги китобхоналар, кутубхона тизими ходимларига манзур бўлаётди.

Миллий ахборот-кутубхона ҳафталигидан қўланган асосий мақсад ёшларнинг мутолаа маданиятини юксалтириш, маданий-маънавий меросимизни асраш, ахборот-кутубхона фойдаланувчиларига интернет орқали сифатли хизмат кўрсатиш имкониятларини кенгайтириш, янги замонавий технологиялардан фойдаланиш, аҳолининг турли қатламларига кутубхона хизматини кўрсатишда маърифат масканларининг ижтимоий-маданий ролини оширишдан иборатдир. Бу йилги ҳафталигининг ўзига хос жиҳати — юртимизнинг турли худудлари, вазирилик ва идоралар таркибидagi ахборот-кутубхона масканлари фаолиятини кенг ва агрофилча ўрганиш, таҳлил этиш, илғор иш тажрибаси-

ни омалаштиришдир. «Мустақилликнинг 25 йили: минтақалар ривожланиши динамикаси» номли видеомаълумот, «Энг яхши ахборот-кутубхона муассасаси мутахассиси — 2016» танлови, «Ахборот-кутубхона ресурслари каталогизациясининг долзарб масалалари» мавзусидаги тренинг, «Ўзбекистон ахборот-кутубхона муассасаларининг библиографик фаолияти: ривожланиш истиқболлари» мавзусидаги ўқув-семинар, «Замонавий ахборот технологиялари асосида ахборот-кутубхона ресурсларини сақлаш, реставрация ва консервация қилиш, электрон базасини яратиш» ўқув-семинари, «Ахборот-кутубхона соҳасида маркетинг» номли тренинг каби тадбирлар ўтказилди.

2

## Журналист сўзи —

### жамоатчилик эътиборида

2016 йилнинг учинчи чорагида мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган таҳлилий ва танқидий материаллар ҳақида

Жорий йилнинг учинчи чорагида оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган турли мавзу ва жанрлардаги материалларда асосий эътибор мустақиллик йилларида — 25 йиллик тарихан қисқа муддатда юртимизда амалга оширилган улкан ўзгариш ва янгиланишлар, барча соҳа ва тармоқлар бўйича эришилаётган ютуқ ва марраларни чуқур таҳлиллар асосида кўрсатиб беришга қаратилди.



Бу борада Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов томонидан 2016 йил 2 июнда имзоланган «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарориди белгилаб берилган йўналиш ва тавсиялар теле-радиоканаллар, газета ва журналлар учун дастуриламал бўлиб хизмат қилганини таъкидлаш лозим.

Аниқ мисоллар таҳлилга ўтатиладиган бўлса, «Ўзбекистон» телеканалида жорий йилнинг 9 сентябрида эфирга

узатиладиган «Таҳлил — 25» кўрсатуви ҳақида алоҳида тўхталиш ўринли бўлади. Унда истиқлол йилларида Ўзбекистон ўтган даврдаги қолоқ, аграр республикадан бугунги кунда замонавий санъат тармоқларига эга бўлган, жаҳондаги иқтисодиёти жадал ривожланаётган бешта етакчи давлатлар қаторидан жой олгани аниқ ҳаётий мисоллар асосида кўрсатиб берилди. Биргина санъат тармоғи — чарм ва пойабзал ишлаб чиқариш соҳасида амалга оширилган кенг қўламли ислоҳот ва унинг натижалари, жумладан, тизимга замонавий тех-

нологияларни жорий этиш, инвестицияларни жалб қилиш, тайёр, рақобатдош маҳсулотлар экспортини йўлга қўйиш бўйича бажарилган беқиёс ишлар нафақат мазкур тармоқнинг ўзини, балки ички истеъмол бозоримиз манзарасини ҳам тубдан ўзгартириб юборгани, одамларимизнинг ҳаёт даражаси ва сифати ўсишига сезиларли таъсир кўрсатаётгани эксперт ва мутахассислар, оддий юртимизнинг фикрлари асосида кенг ёритилди.

## Хурриятли муштарийлар,

2017 йил учун “HURRIYAT” газетасига обуна ишлари давом этмоқда. Газетамизга обуна бўлолмаганлар аса уни савдо дўконларидан харид қилишлари мумкин. Ўқинг, баҳра олинг ва уни ҳамроҳларингизга ҳам ҳада этинг. Бундан ташқари, “Hurriyat” да чоп этилган материаллар билан www.hurriyat.uz сайти орқали ҳам танишингиз мумкин.

“HURRIYAT” ГАЗЕТАСИ СЎЗНИНГ ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛИШИГА ИШОНАМИЗ!



4

## Суд-ҳуқуқ тизими янги босқичда

### ТАРҒИБОТ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш” кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони инсон ҳуқуқларини ишончли ва кафолатли ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариши шубҳасиз.

Мазкур фармоннинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида 2016 йилнинг 26 октябрь кун республика давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматлари ходимлари учун Адлия вазирлиги томонидан “Суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг янги босқичи — инсон ҳуқуқ ва эркинликлари мустаҳкам кафолати” мавзусида амалий семинар бўлиб ўтди. Семинарда таъкидланишича, ушбу Фармон суд ҳокимиятининг муқаррарлиги принциппига оғишмай амал қилинишини таъминлаш; фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга таъминлаш; фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини кўриб чиқиш тартибини бузиш ва сансалорликка йўл қўймаслик; тегишли ахборотни ўз вақтида жамоатчиликка етказиш орқали фаолиятнинг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш, фуқаролик жа-

мияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ҳамда аҳоли билан ҳамкорлик самардорлигини ошириш; ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш орқали тизимли камчилик ва қонунбузилишларни аниқлаш ва бартараф этиш, иш фаолиятига илғор илмий-техника воситалари ҳамда ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш; илоравий назоратни кучайтириш, ходимлар ўртасида суниестемолчилик ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларга чек қўйиш, кадрлар таркибини сифат жиҳатидан яхшилаш, кадрларни танлашнинг энг муносиб номзодларни ишга қабул қилишни таъминлайдиган замонавий механизмларини жорий этиш белгиланди.

Ислоҳотларнинг марказида суд тизимини малакали кадрлар билан таъминлаш туради. Замонавий судья зарур тажриба ва малакага эга бўлиши билан бирга, мустақил фикр юритадиган, дунёқараши кенг, ҳаётий тажрибага эга, суд-ҳуқуқ тизимидаги давлат сиёсатининг туб моҳиятини теран англаб этиши ҳамда ислоҳотлар мазмун-моҳиятини чуқур ҳис этиши муҳим ҳисобланади.

4

ТАХЛИЛ

Мустақилликнинг илк даврларидаёқ мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Исло Каримов маънавият, маданият ва санъатнинг Ўзбекистон давлатининг таркиб топиши, ривожланиши ва тараққий этишидаги муҳим ўрнини алоҳида таъкидлаб, куюнчақлик билан шундай деган эдилар: "Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида маданият, санъат, адабиёт оғир аҳволга тушди. Уларни иқтисодий зарбадан асраб қолишни Президент ўз бўйига олиши керак", "Бозор иқтисодиёти деб маънавиятни унутуш гуноҳ бўлади. Нукул пул ва фойда кетидан қувсақ-да, аммо одамларимиз руҳан қашшоқ бўлиб қолишса, бундай жамиятнинг ҳеч кимга кераги йўқ", "Маънавиятимизни яратаётганларни, ёзувчилар, шоирлар, маданият ва санъат ижодкорларини, халқ талентлари ва иқтидорли ёшларни доимо қўллаб-қувватламоғимиз лозим. Бунинг учун харажатларимизни аямаслигимиз даркор", "Эзгу мақсадларни амалга ошириш, энг аввало барчамизга боғлиқ, ҳамма нарсадан устун турувчи буюк бир муаммони ечимимиз, яъни маънавий инқироздан чиқишимиз лозим. Бу энг шарафли ва энг оғир вазифалардан бири". Ўтган йигирма беш йил давомида ана шундай энг оғир, аммо шарафли ва улуг ишларнинг бошида айнан Юртбошимизнинг ўзлари туриб, ижод аҳлини қўллаб-қувватлашга бош-қош бўлди.

Истиқлол йиллари миллий маънавиятнинг, ўзбек халқи маданиятининг қайта уйғониш йиллари бўлди. Ўтган давр мобайнида миллий қадриятларимиз, маданиятимиз ва санъатимизнинг юксалиш имкониятлари янада кенгайди. Иқтисодий-ижтимоий ва маънавий-маърифий соҳаларда эришилган муваффақиятларни бугун дунё аҳли кўриб, тан олиб турганлигига ҳаммамиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Маълумки, ўтиш даври ислохотларини амалга оширишда ўзбек давлатчилигининг тарихий, маданий, миллий-маънавий қадриятларини ақс эттирувчи асосий омилларга, яъни миллат менталитетига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Истиқлол шарофати билан Ўзбекистон халқи ҳаётининг барча соҳаларида бўлгани каби маданият ва санъат йўналишларида ҳам янги, тарихий туб ислохотлар амалга оширилиши кенг йўлга қўйилди. Соҳада тўлғаниб қолган муаммолар, яъни маданият ва санъат соҳасини бошқариш, малакали кадрлар тайёрлаш тизимини шакллантириш ва унинг механизмларини ишлаб чиқиш, маданият ва санъат соҳасига кадрлар тайёрлайдиган ўқув юртлири ҳамда профессионал театрлар ва соҳанинг бошқа муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, бозор муносабатларига ўтиш даврида театр — концерт ташкилотлари артистлари ва бадиий ходимларини, уларга ижодий ҳодимлар тайёрловчи ўқув юртлири профессор-ўқитувчилари ҳамда концерт-мейстрларини ижтимоий ҳимоялаш тизимини яратиш зарурлиги каби масалалар миллий маданиятимиз ва санъатимизнинг ривожланишида энг муҳим вазифалардан эди. Айнан шу вазифалар мустақил Ўзбекистон тараққий этиши таъминлашнинг муҳим омилларидан бири эканлигини таъкидлаб, "Халқнинг маънавияти ва маданияти, унинг ҳақиқий тарихи ва ўзига хослиги қайта тикланаётганлиги жамиятимизни янгилаш ва тараққий эттириш йўлидан муваффақиятга равишда оага силжитишда ҳал қилувчи, таъбир жоиз бўлса, белгилловчи аҳамиятга эгадир" деган эди мамлакатимиз Биринчи Президенти ўзининг "Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида" китобида.

Шунинг учун ҳам истиқлол йилларида маданият ва санъат соҳасини ривожлантириш мақсадида 30 дан ортиқ Фармон ва қарорлар қабул қилинди. Хусусан, "Ўзбектеатр" ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги, "Ўзбекнаво" гастроль-концерт бирлашмасини ташкил этиш тўғрисида"ги, "Эстрада кўшиқчилиги санъатини янада ривожлантириш тўғрисида"ги "Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида"ги, "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009 — 2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"ги, Вазирлар Маҳкамасининг "2010 — 2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастури тасдиқлаш тўғрисида"ги,

Маънавий

2011 — 2015 йилларда маданият ва истироҳат боғларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги, "2013 — 2018 йилларда замонавий Маданият ва аҳоли дам олиш марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорини олиб қўрайлик. Унда қўзланган асосий мақсад шунки, миллий маданиятимиз анъаналарини ўрганиш ва тарғиб қилиш, аҳолининг, айниқса, қишлоқ жойларда яшовчи ёшларнинг маънавий оламини янада бойитиш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун шарт-шароитлар ҳозирлаш, ўзлари ёқтирган касб-хунар ва бадиий ҳаваскорлик санъатининг турли йўналишлари билан шуғулланишлари ҳамда истеъдоларини намойиш этишларига қулай имкониятлар яратиш, чекка ҳудудларда истиқомат қилаётган юртоқлари-мизга юқори савияда маданий хизмат кўрсатишни ташкил этишдан иборат. Қарорда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг бўйруғига асосан аввал фойдаланиб кўрсатган 1777 та маданият уйлари ва клуб муассасалари негизда 894 та замонавий Маданият ва аҳоли дам олиш марказлари ташкил этилиб, ҳозирги кунда давлат дастурига асосан ушбу марказлар капитал таъмирланиб, уларнинг мод-



Маданият ва аҳоли дам олиш маркази

лиқни кучайтиришга эътибор қаратиш лозимлиги яна бир бор таъкидланди. Жойлардаги маҳаллий давлат органларига аҳолининг ижтимоий кўмакка эҳтиёжманд қатламлари — аёллар, ёшлар ва ногиронларнинг доимий бандлигини таъминлаш, уларни халқ ҳунармандчилиги тайёр маҳсулотларини ишлаб чиқариш, оилавий бизнес ва тадбиркорликнинг турли шаклларида жалб қилишга кўмаклашишга қаратилган лойиҳаларни грант танловларига топшириш зарурлиги алоҳида қайд этилди. Демократик ислохотлар натижасининг моҳияти ва аҳамияти тўғрисида аҳоли ва жаҳон жамоатчилигини кенг қўлама хабардор қилиш, жамиятда бунёдкорлик, яратувчанлик ва эртанги кунга ишонч муҳитини мустаҳкамлаш семинарининг муҳим йўналишларидан бири бўлди. Очiq фуқаролик жамиятини барпо этишда, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жамоатчилик фикрини умумлаштириш ва ифода этишда, фуқароларнинг, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий онгини юксалтиришда оммавий ахборот воситалари имкониятларидан фойдаланиш катта натижа беради. Жумладан, давлат гранти ажратилган лойиҳаларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида маҳаллий ва Республика миқёсидаги ОАВларда чиқишлари ошириш юзасидан тақдирлар билдирилди. Яқунда "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига биноан ижтимоий шерикликнинг амалиётида ўзини оқлаган ҳамкорлик механизмлари асосида давлат органлари билан ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтилари ўртасидаги маҳаллий шериклик ва жамоатчилик назоратини ривожлантириш, ёшларга ва ёш оналарга ижтимоий-маънавий, ижтимоий-ҳуқуқий кўмак кўрсатиш, уларнинг тиббий-экологик ва ижтимоий-маънавий маданиятини юксалтиришга катта эътибор қаратилганини алоҳида таъкидлаш зарур. Молиялаштирилган лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида ННТлар Халқ таълими вазирлиги, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ижтимоий шерикликка аҳолининг кенг қатламлари, ёшлар орасида "Ҳаётимиздаги фойда, жаҳонда қарши маърифат билан", "Мен Ватанимни севаман", "Жамиятда меннинг ўрним бор", "Мен Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганаман" широлари асосида турли маънавий-маърифий тадбирларини ўтказиш режалаштирилган.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Жорий йилнинг 12 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентини вакифасини бажарувчи Ш.Мирзиёевнинг тақдимномасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги қарори қабул қилинган юртимизда инсон ҳуқуқларига олий қадрият сифатида қаралишининг яна бир амалий мисолидир.

БАҒРИКЕНГЛИК НАМУНАСИ

Зеро, Конституцияимизнинг муқаддасида Ўзбекистон инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиши ўз олдида пировард мақсад қилиб белгиланган. Ушбу амнистия акти нафақат демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг устувор йўналишларидан, балки халқимизнинг йиллардан буён асраб-авайлаб келаятган қадриятларини, бағрикенглик ва мурувват каби олий қадриятларини ҳам ўзида ифода қилади. "Амнистия" сўзи грек тилидан олинган бўлиб, эсдан чиқариш, кечириб, гуноҳидан ўтиш маъносини англатади. Умуман олганда, амнистия умумий афв бўлиб, айрим шахсларни жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш, жиноят ишини бекор этиш ёки жазони енгиллаштириш тўғрисидаги қарордир. Унинг асосида хато қилган ёки қилмишдан пушаймон бўлганлар кечирилди, уларга ҳаётларини тўғри йўлга солиш учун имконият берилди.

Жаҳон амалиётида, одатда амнистия у ёки бу миллий байрам, мамлакатнинг юксак ютуқларга эришгани муносабати билан эълон қилинади. Бу табиий албатта, чунки ҳар бир инсон табиатида ҳам юксак хурсандчилик, хуррамлик вақтида унинг бағрикенглиги ва меҳрибонлиги ҳар доимгидан ҳам кўтаринки бўлади. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳамма давлатларда ҳам амнистия қабул қилиш қонуinchилигида белгиланмаган, айримлари эса белгиланган бўлса-да, 10-20 йилда бир марта қабул қилинади.

Энди бевосита Сенатнинг жорий йил 12 октябрь куни қабул қилинган амнистия тўғрисидаги қарори мазмунига тўхталаск. Мазкур қарор 11 банддан иборат бўлиб, уни шартли равишда учта қисмга ажратиш мумкин, биринчи қисмида амнистия қўлланилиши мумкин бўлган тоифалар, иккинчи қисмида амнистия татбиқ этилмайдиган шахслар ва жазолар тоифаси кўрсатилган бўлса, учинчи қисмида ушбу қарорни самарали ижро этиш устидан жамоатчилик назоратини таъминлашга оид қондалар мустаҳкамланган. Қарорда уни амалга ошириш Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклатилиши ҳамда у қарор эълон қилинган кундан кучга кириб, уч ой мобайнида ижро этилиши лозимлиги айтилган. Аёллар, жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар, 60 ёшдан ошган эркаклар, чет давлатлар фуқаролари, шунингдек, I ёки II гуруҳ ногиронлари ва сил касаллигининг фаол шаклига чалинган шахслар жазодан озод қилинишининг

белгилангани унинг нақадар инсонпарварлигини тасдиқлайди. Чунки оғир жазо, айниқса, фуқароларни жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлган жазоларнинг жиноятчиликнинг олдини олишдаги аҳамиятини ошириб кўрсатиш ўринсиз эканлигини ҳаётнинг ўзи исботлади. Шу билан бирга, миллий анъаналаримиз руҳида тарбияланган кўпгина фуқароларимизга содир этган жинояти учун сўроқ ёки тергов ишлари бошланишининг ўзиёқ тегинли хулоса чиқариб олиш ва қонунни бошқа бузмаслик учун кўп ҳолларда кифоя бўлади. Шу ўринда жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахсларни мазкур амнистия қарори асосида жазодан озод қилинишининг аҳамиятини чуқур аниқлаб олиш зарур. Биринчи Президентимиз таъкидлаганидек, ёшлар ўртасидаги жиноятчилик бу — аввало, биз, катталарнинг уларни тарбиялашда йўл қўйган жиддий хатоларимиз оқибатидир. Шунинг барчамиз англаб олишимиз муҳими, колониялардаги ишлар нечоғли яхши ташкил этилмагани, барибир, бу ер ёшларни тарбиялайдиган жой эмас. Кўп ҳолларда арзимас қилмиши эвазига қаттиқ жазо олган навқирон йигит айнан шу ерда жиноят оламига кириди, ашаддий жиноятчиларга қўшилиб, уларнинг турмуш тарзига ҳос кўникмаларни эгаллай бошлайди. Олтинчи ёшдан ошган эркакларни жазодан озод қилишга тўхталадиган бўлсак, айтиш жоизки, кексаларни эъзозлаш, уларга мурувват кўрсатиш ва гамхўрлик қилиш халқимизнинг ўзига хос бетақорр ва бебаҳо инсоний қадриятларидан ҳисобланади.

Хар гал амнистия акти асосида минглаб фуқаролар озодликка чиқди. Бу эса минглаб оилаларга хурсандчилик туҳфа этиди, аслида, жиноят содир этганлар ҳам кимнингдир отаси ёки онаси, кимнингдир фарзанди ёки ака-укаси ёхуд кимнингдир боқувчиси. Узи аслида, инсон зотиға оиланинг тўлиқлигидан, озошлик шукҳидан ортиқ бахт борми дунёда? Фақат бунда давлатимизнинг инсонпарвар сийасатини тўғри аниқлаш, бошқа бу йўлга кирмаслик ва бошқаларни ҳам бундан қайтаришга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Зеро, жиноят содир этиб адашганлар ҳам ўз фуқароларимиз, уларни элу юрт қорига ярайдиган одамлар қилиб тарбиялаш ҳам муқаддас бурчимиздир.

Нодир МУХТОРОВ, Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати, ЎЗМТДП фракцияси аъзоси

ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК — ТИНЧЛИК, ОСОЙИШТАЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК МАНБАИ

КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Бундан 25 йил муқаддам мустақилликни қўлга киритган Ўзбекистонда демократик ислохотлар босқичма-босқич амалга оширилиб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланяпти. Фуқароларнинг давлат ва жамият бошқаруви ишларидаги иштироки, иқтисодий ва меҳнат фаолиятини эркин танлаш имкониятлари кенгайиб, жамиятда юқори интеллектуал ва инновацион потенциалга эга бўлган аҳолининг ўрта қатлами шакллантирилмоқда.

Шинчлик-осойишталикнинг, фаровонлик ва барқарор ривожланиши замонавий ва адолатли фуқаролик жамиятининг муҳим белтиси ҳисобланади. Бу борада нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтилари давлат органлари билан ижтимоий шериклик асосида фаолият олиб бормоқда.

Яқунда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтиларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси, ҳудудий ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссиялари билан ҳамкорликда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида "Ижтимоий шерикчилик — тинчлик, осойишталик ва барқарор ривожланиш манбаи" мавзусида семинарлар ташкил этилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ҳузуридаги ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссиялари аъзолари, ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамиятининг бошқа

таҳкамлаш борасида амалга оширган ишларини танқидий кўриб чиқдилар. Ушбу семинарларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги жамоат фондининг 3, 4, 5, ва 6-танловлари толиблари давлат гранти сертификатлари тантанали топширилди. "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурини ижро этишда ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамияти бошқа институтиларининг фаол иштирокини таъминлаш учун давлат грантлари шаклида қўллаб-қувватланган муҳим ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларнинг амалга оширилиши натижалари юзасидан тақдиротлар ҳам ўтказилди.

Тақдиротларда маҳаллаларда ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назоратини ривожлантириш, ёшларга ва ёш оналарга ижтимоий-маънавий, ижтимоий-ҳуқуқий кўмак кўрсатиш, уларнинг тиббий-экологик ва ижтимоий-маънавий маданиятини юксалтиришга катта эътибор қаратилганини алоҳида таъкидлаш зарур. Молиялаштирилган лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида ННТлар Халқ таълими вазирлиги, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ижтимоий шерикликка аҳолининг кенг қатламлари, ёшлар орасида "Ҳаётимиздаги фойда, жаҳонда қарши маърифат билан", "Мен Ватанимни севаман", "Жамиятда меннинг ўрним бор", "Мен Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганаман" широлари асосида турли маънавий-маърифий тадбирларини ўтказиш режалаштирилган.

Маҳаллаларда ижтимоий-маънавий барқарорлиқни таъминлаш, тинчлик ва осойишталикни, миллатларо ва динларо бағрикенгликни мустаҳкамлаш, ёшларни Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига ёт гоғлардан асраш йўналишларида ижтимоий шерик-

ликни кучайтиришга эътибор қаратиш лозимлиги яна бир бор таъкидланди. Жойлардаги маҳаллий давлат органларига аҳолининг ижтимоий кўмакка эҳтиёжманд қатламлари — аёллар, ёшлар ва ногиронларнинг доимий бандлигини таъминлаш, уларни халқ ҳунармандчилиги тайёр маҳсулотларини ишлаб чиқариш, оилавий бизнес ва тадбиркорликнинг турли шаклларида жалб қилишга кўмаклашишга қаратилган лойиҳаларни грант танловларига топшириш зарурлиги алоҳида қайд этилди.

Демократик ислохотлар натижасининг моҳияти ва аҳамияти тўғрисида аҳоли ва жаҳон жамоатчилигини кенг қўлама хабардор қилиш, жамиятда бунёдкорлик, яратувчанлик ва эртанги кунга ишонч муҳитини мустаҳкамлаш семинарининг муҳим йўналишларидан бири бўлди.

Очiq фуқаролик жамиятини барпо этишда, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жамоатчилик фикрини умумлаштириш ва ифода этишда, фуқароларнинг, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий онгини юксалтиришда оммавий ахборот воситалари имкониятларидан фойдаланиш катта натижа беради. Жумладан, давлат гранти ажратилган лойиҳаларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида маҳаллий ва Республика миқёсидаги ОАВларда чиқишлари ошириш юзасидан тақдирлар билдирилди.

Яқунда "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига биноан ижтимоий шерикликнинг амалиётида ўзини оқлаган ҳамкорлик механизмлари асосида давлат органлари билан ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтилари ўртасидаги маҳаллий шерикликни мустаҳкамлаш борасида тақдиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Жобир ХУЖАКУЛОВ

БИЛИМ ВА МАЪРИФАТ ҲАФТАЛИГИ

Бошланғич 1-бета

— Кутубхонамиз бой китоб фондига эга, — дейди Ўзбекистон Фанлар академияси фундаментал кутубхонаси директори Зухра Бердиева. — Бундай тадбирлар фаолиятимизни бағрафис сарҳисоб этиш, илгор иш тажрибасини ўрганиш, китобхоналарнинг фикрларини атрофида билиб олишда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳафталикнинг ҳар бир куни «Очiq эшиклар», «Ижод», «Қуриқ-танловлар», «Билимлар ва хорикий тиллар», «Маданиятлар хилма-хиллиги» кунли деб номланиб, унинг доирасида мавзуга оид тадбирлар, учрашувлар, анжуманлар ўтказилади.

Миллий кутубхона, Халқ таълими вазирлиги, ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигидаги «Ўқувчининг ахборот маданияти» номили ўқув-методик комплекси тақ-

димоти 1-4-синф ўқувчиларининг китобхонлик, интернет ва бошқа манбалардаги маълумотлардан фойдаланиш маданиятини оширишга хизмат қилса, «ZiyoNET» тармоғида масофавий таълим воситалари» номили ўқув дастурлар тақдироти педагоглар, талабалар, мактаб ёшидаги ўғил-қизлар учун бирдек қизиқарли бўлиши шубҳасиз. Турли маданий-маърифий тадбирлар, шеърхонлик, мусиқа кечалари, янги адабиётлар тақдироти, ёзувчи ва шоирлар, санъаткорлар, спортчилар билан учрашувлар, маърифий фильмлар намойиши бўлиб ўтади.

Хорикий давлатларнинг элчихоналари, Британия кенгаши, Тошкентдаги Гете институти билан ҳамкорликдаги тадбирларда хорикий маърифий дастурлар ҳақида тўлақонли маълумотлар берилса, миллий хунармандлик, тасвирий санъат, шахмат бўйича ташкил этилган мавзуда ҳорат сабоқлари бошларининг билимларини янада бойитди. Ҳафталик доирасида кутубхона

ёқин залларида янги адабиётларнинг очiq кўргазмаси, нашриётлар ва китоб савдоси ташкилотларининг маҳсулотлари ярмаркаси бўлиб ўтади. Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчилари ўртасида "Китоб уммони бўйлаб сўхат" номили адабий савол-жавоб уйини, «Таълим соҳасидаги ҳуқуқингизни биласизми?» номили викторина, «Жонажон юртим — менинг расмларимда», «Ўзбекистон келажиги — менинг тасаввуримда» деб номланган бадиий, адабий танловлар ёшларнинг тафаккурини чарчашга хизмат қилади.

Ҳафталикнинг илк кунда ўқувчи-ёшлар учун Миллий кутубхонага экскурсия, концертлар, санъаткорлар билан учрашувлар, ахборот-кутубхона муассасалари ходимлари учун ўқув-семинарлар, видеомуллоқотлар, маърифий анжуманлар бўлиб ўтди.

Назокат УСМОНОВА, ЎЗА муҳбири





# Жаҳоннинг глобал муаммолари:

экология, тоза сув ва санитария, иқлим ўзгаришлари ва қургўқчилик

## ШАРХ

Ҳозирги кунда дунё мутахассисларини энг кўп ўйлантираётган глобал муаммолар нималардан иборат эканлиги ҳақида жаҳон матбуоти орқали хабар топаёلمиз. Хусусан, экология, тоза сув ва санитария, иқлим ўзгаришлари ва қургўқчилик сингари масалалар олимларнинг диққат марказида турибди, улар бу муаммоларнинг келиб чиқиш сабаблари, оқибатлари юзасидан ўз илмий чиқишлари билан дунё жамоатчилигини огоҳ этмоқда.



2012 йилда экология муаммолари (ҳаво, сув ва ернинг ифлосланиши, зарarli кимёвий моддалар таъсири, иқлим ўзгариши, ультрабинафша нурланиши) билан боғлиқ касалликлар натижасида 12,6 миллион киши ҳаётдан кўз юмди. Барча ўлим ҳолатларининг 25 фоизи ушбу касалликлар ҳиссасига тўғри келади. БМТнинг хавфли маҳсулотлар бўйича махсус маърузачиси Баскут Тунчакнинг қайд этишича, АКШда 12 минг бола сув таркибида кўрошнинг юқорилиги натижасида азият кечмоқда. Заҳарли моддалар таъсирида истеъмол қилинаётган озиқ-овқат маҳсулотлари натижасида айрим мамлакатларда болалар ўртасида онкологик касалликлар 20 фоизга ўсган. Сунги пайтларда кимёвий воситалардан фойдаланиш кескин ошди. Ҳозир Ер юзиде тахминан 400 миллион тонна бундай воситалар ишлатилмоқда. Ҳавонинг ифлосланишидан ҳар йили жаҳон миқёсида 4,3 миллион киши нобуд бўляпти. Унинг катта қисми Хитой ва Ҳиндистон ҳиссасига тўғри келмоқда. 2015 йилда 2,7 миллиард инсон санитария асосий воситаларидан фойдаланиш имкониятига эга эмас эди. Ҳар йили 5 ёшгача нобуд бўлаётган 6,6 миллион боланинг учдан бир қисми аτροφ-муҳит билан боғлиқ сабаблар туфайли дунёдан кўз юммоқда. Кимёвий моддалардан заҳарланиш оқибатида эса ҳар йили 47 минг инсон нобуд бўлмоқда. Уларнинг аксарияти болалар ва ўсмирлардир. Энг кўп қириндилар чиқариш Жануби-шарқий Осиё ва Тинч океани минтақасининг гарбий қисмидаги

ривожланаётган мамлакатлар улушига тўғри келмоқда. Сайёраимизда 2,9 миллиард уй ёғоч, кўмир ёки қўқимлар билан иситилади. Шунингдек, автотранспорт воситалари, унчалик катта бўлмаган саноат корхоналари, кўмир билан ишловчи иссиқлик электр станциялари атмосферани жуда заҳарлайди. "Бу эса аτροφ-муҳитга салбий таъсир кўрсатмоқда ва инсон соғлиги, айниқса, оналар ва болалар саломатлиги учун қалтислини оширмоқда, — дейди ЖССТнинг Ижтимоий соғлиқни сақлаш ва аτροφ муҳит муҳофазаси бўйича департаменти директори Мария Нейра. — Жумладан, ҳаводаги чанг ва чиқиндилар юрак-қон томир, ўпка ва нафас олиш йўллари касалликларини чақиради".

3 миллиард инсон оқат тайёрлаш ва уй-жойини иситиш учун очик оловдан ва оддий печлардан фойдаланмоқда. 4 миллиондан ортик инсон оғир ёқилги ёрдамида уй хўжалигида оқат пиширилиши туфайли ҳавонинг ифлосланишидан вафот этаётди. БМТнинг аτροφ-муҳит бўйича дастурлари ҳисоботида қайд этилишича, Ердан фойдали қазилмаларни қазиб олиш ҳажми 1970 йилда 22 миллиард тоннани ташкил қилган бўлса, 2010 йилга келиб бу миқдор 70 миллиард тоннага етди. Агар бу тенденция сақланиб қолса, 2050 йилга бориб 180 миллиард тонна материаллар истеъмол қилинади.

Атом энергетикаси бўйича халқаро агентлик (МАГАТЭ)нинг маълумотига кўра, ҳозир дунё миқёсида 447 та ядро реакто-

ри ишламоқда. Аммо энергиянинг бу шакли ҳам хавфсиз эмас. 2011 йилда Япониядаги АЭСда ядро реакторининг ишдан чиқиши қанчалик оғир мусибатларга олиб келганини унутмаслик керак. БМТ Бош қотибининг "Барча учун барқарор энергетика" ташаббуслари доирасида энергиянинг тоза манбаларидан кенг фойдаланишни таъминлаш мақсад қилинган. ЖССТ бу борада Экологик тоза ошхона плиталари учун глобал альянс ҳамда Иқлим ва тоза ҳавонинг ҳамма етиш коалицияси каби ҳаракатлар билан яқин ҳамкорликда ишламоқда.

2012 йилда БМТ узининг Мингйиллик ривожланиш мақсадлари бандларидан бирини, яъни хавфсиз ичимлик сувидан барқарор фойдаланиш имкониятига эга бўлмаган инсонлар сонини икки баробарга камайтира олганини маълум қилди. Бироқ ҳанузгача 783 миллион одам, биринчи гада болалар ва хотин-қизлар тоза ичимлик сувидан фойдалана олмаяпти. Сув ресурсларини бошқариш бўйича учинчи дунё мамлакатларининг Бутунжаҳон маркази сайёраимизда 3 миллиард инсон нотаза сувдан ўз эhtiёжлари учун фойдаланаётганини қайд этди.

2011 йилда Хитойдаги барча дарёлар ва кўллارнинг ярми фойдаланиш учун яроқсиз, деб топилди. Ҳиндистон сув ресурсларининг назорат қилиш бўйича давлат марказий кенгаши маърузасида эса мамлакатдаги 445 дарёнинг ярмида ифлосланиш кўрсаткичи энг юқори даражага етгани ва улар ишлаш учун ўта хавфли экан-

ли афсус билан қайд этилди. Покистон миллий асамблеяси эса 2013 йилда сув тармоқларидан олинаётган қанчалик оғир мусибатларга олиб келганини унутмаслик керак. БМТнинг "Барча учун барқарор энергетика" ташаббуслари доирасида энергиянинг тоза манбаларидан кенг фойдаланишни таъминлаш мақсад қилинган. ЖССТ бу борада Экологик тоза ошхона плиталари учун глобал альянс ҳамда Иқлим ва тоза ҳавонинг ҳамма етиш коалицияси каби ҳаракатлар билан яқин ҳамкорликда ишламоқда.

2012 йилда БМТ узининг Мингйиллик ривожланиш мақсадлари бандларидан бирини, яъни хавфсиз ичимлик сувидан барқарор фойдаланиш имкониятига эга бўлмаган инсонлар сонини икки баробарга камайтира олганини маълум қилди. Бироқ ҳанузгача 783 миллион одам, биринчи гада болалар ва хотин-қизлар тоза ичимлик сувидан фойдалана олмаяпти. Сув ресурсларини бошқариш бўйича учинчи дунё мамлакатларининг Бутунжаҳон маркази сайёраимизда 3 миллиард инсон нотаза сувдан ўз эhtiёжлари учун фойдаланаётганини қайд этди.

2011 йилда Хитойдаги барча дарёлар ва кўллارнинг ярми фойдаланиш учун яроқсиз, деб топилди. Ҳиндистон сув ресурсларининг назорат қилиш бўйича давлат марказий кенгаши маърузасида эса мамлакатдаги 445 дарёнинг ярмида ифлосланиш кўрсаткичи энг юқори даражага етгани ва улар ишлаш учун ўта хавфли экан-

ли афсус билан қайд этилди. Покистон миллий асамблеяси эса 2013 йилда сув тармоқларидан олинаётган қанчалик оғир мусибатларга олиб келганини унутмаслик керак. БМТнинг "Барча учун барқарор энергетика" ташаббуслари доирасида энергиянинг тоза манбаларидан кенг фойдаланишни таъминлаш мақсад қилинган. ЖССТ бу борада Экологик тоза ошхона плиталари учун глобал альянс ҳамда Иқлим ва тоза ҳавонинг ҳамма етиш коалицияси каби ҳаракатлар билан яқин ҳамкорликда ишламоқда.

2012 йилда БМТ узининг Мингйиллик ривожланиш мақсадлари бандларидан бирини, яъни хавфсиз ичимлик сувидан барқарор фойдаланиш имкониятига эга бўлмаган инсонлар сонини икки баробарга камайтира олганини маълум қилди. Бироқ ҳанузгача 783 миллион одам, биринчи гада болалар ва хотин-қизлар тоза ичимлик сувидан фойдалана олмаяпти. Сув ресурсларини бошқариш бўйича учинчи дунё мамлакатларининг Бутунжаҳон маркази сайёраимизда 3 миллиард инсон нотаза сувдан ўз эhtiёжлари учун фойдаланаётганини қайд этди.

2011 йилда Хитойдаги барча дарёлар ва кўллارнинг ярми фойдаланиш учун яроқсиз, деб топилди. Ҳиндистон сув ресурсларининг назорат қилиш бўйича давлат марказий кенгаши маърузасида эса мамлакатдаги 445 дарёнинг ярмида ифлосланиш кўрсаткичи энг юқори даражага етгани ва улар ишлаш учун ўта хавфли экан-

ли афсус билан қайд этилди. Покистон миллий асамблеяси эса 2013 йилда сув тармоқларидан олинаётган қанчалик оғир мусибатларга олиб келганини унутмаслик керак. БМТнинг "Барча учун барқарор энергетика" ташаббуслари доирасида энергиянинг тоза манбаларидан кенг фойдаланишни таъминлаш мақсад қилинган. ЖССТ бу борада Экологик тоза ошхона плиталари учун глобал альянс ҳамда Иқлим ва тоза ҳавонинг ҳамма етиш коалицияси каби ҳаракатлар билан яқин ҳамкорликда ишламоқда.

2012 йилда БМТ узининг Мингйиллик ривожланиш мақсадлари бандларидан бирини, яъни хавфсиз ичимлик сувидан барқарор фойдаланиш имкониятига эга бўлмаган инсонлар сонини икки баробарга камайтира олганини маълум қилди. Бироқ ҳанузгача 783 миллион одам, биринчи гада болалар ва хотин-қизлар тоза ичимлик сувидан фойдалана олмаяпти. Сув ресурсларини бошқариш бўйича учинчи дунё мамлакатларининг Бутунжаҳон маркази сайёраимизда 3 миллиард инсон нотаза сувдан ўз эhtiёжлари учун фойдаланаётганини қайд этди.

2011 йилда Хитойдаги барча дарёлар ва кўллارнинг ярми фойдаланиш учун яроқсиз, деб топилди. Ҳиндистон сув ресурсларининг назорат қилиш бўйича давлат марказий кенгаши маърузасида эса мамлакатдаги 445 дарёнинг ярмида ифлосланиш кўрсаткичи энг юқори даражага етгани ва улар ишлаш учун ўта хавфли экан-

## БУ ТУРФА ОЛАМ

### ЯНГИ ФАЗОВИЙ ЖИСМ


Америка Астрономия жамиятининг сайёрашунослик бўлими олимлари Кўшдан 1430 астрономик бирлик масофада узоқлаша оладиган фазовий жисми аниқлашди.



У Кўшга энг яқин келган вақтда ораликдаги масофа 50 астрономик бирликни ташкил этади. Ҳар орбитасида тўлиқ айланиши учун 20 минг йил вақт талаб этилар экан. Олимларнинг таъкидлашича, ушбу кашфиёт замонавий ускуналарнинг техник имкониятлари доирасида амалга оширилган. Янги фазо жисми "L91" деб номланди. Жисм транснепту объектлари сирасига кириб, унинг орбитаси Плутон орбитаси ортида жойлашган. "L91"нинг вази ва ҳажми ҳозирча номаълум. Ушбу жисм 2013 йилда топилган, аммо бу ҳақда кенг оммага энди маълум қилинмоқда.

### ЧИНГИЗХОН ҚҮЛЁЗМАСИДА НИМА ДЕЙИЛГАН?

Ўз вақтида дунёни зир титратган Чингизхон ҳақида ҳамма кўпроқ билишни истайди. Ҳўш, у ҳақда қандай янгилик бор?




Яқинда Россиянинг Олтой Республикасида сақланувчи Чингизхонга тегишли қўлёзмалар мазмуни аниқланди. Олимларнинг фикрича, унда саркарданнинг авлодларга ўғитлари битилган. XIII-XIV асрларга тааллуқли "Ақл қалити" деб номланган қадимги мўғул тилидаги ушбу қўлёзма А.В.Анохин номидаги миллий музейда сақланиб келади. Тахминларга кўра, қўлёзма уч киши томонидан ёзилган. Олимлар уни бамбуқ таёқчалари ва мўйқалам билан мумтоз мўғул ёзувида юқоридан пастига қараб ёзилгани, қаторлар чапдан ўнгга қараб кетганини қайд этишди.

Қўлёзмада Чингизхоннинг авлодларга панд-насихатлари баён қилинган бўлиб, жумладан, "ишонч билдирилмаган одамга кўп нарсани айтиш керакмаслиги", "аёллар гапига ўта жиддий муносабатда бўлмаслик", "ўз ўғлига қули орқали буйруқларни бермаслик", "ҳасадгўй ва хийлагар одам билан маслаҳатлашмаслик", "қўлчилик томондан маъқулланган фикрни бузмаслик" каби ўғитлар ўрин олган.

### РАНГЛИ ЁРУҒЛИК БЕРУВЧИ ОРГАНИК МОЛЕКУЛАЛАР

Хитойлик мутахассислар ёруғлик диодларининг ўрнини босувчи органик молекулалар яратишди. Бунинг учун Гонконг фан ва технология университетининг ходимлари Бен Чжун Тан, Вейчжун Жао ва Зикай Хи лаборатория шариотида бешта хушбўй ноеталл карбонил сакловчи молекулаларни синтезлашди.



Жараён компьютерда моделлаштирилди. Молекулалар 230 миллионлиқ давомиде ёруғлиққа қодир ва хона ҳароратида ёруғлик диодларидан икки баробар кучлироқ нур тарқатади. Бунда нурланиш ранги кўдан қизил-зарғалдоқчага ўзгаради. Олимларнинг таъкидлашича, яратилган молекулалар диодларнинг ўрнини босиши мумкин. Энди мутахассислар олдида молекулалар нурланиши давомийлигини ошириш вазифаси турибди. Шунингдек, улар ушбу молекулалар негизида юқори аниқликдаги датчик ва ёруғлик сезувчи включателлар яратишмоқчи.

### АЁЛЛАР АВТОМОБИЛНИ ҚАНДАЙ БОШҚАРАДИ?

Хотин-қизларнинг рулда ўтириши одатий ҳолга айланганига анча бўлди. Бу уларнинг руҳиятига қандай таъсир этади? Жанубий Кореянинг Hyundai компанияси Goldsmith's университети билан ҳамкорликда ўтказилган тадқиқот шуни кўрсатдики, аёл ҳайдовчилар эркакларга қараганда кизиққон бўлишар экан.



Шу мақсадда ўтказилган ижтимоий сўровда Буюк Британиядаги мингга яқин ҳайдовчи қатнашди. Маълум бўлишича, аёллар овозли сигналлар, бақир-чақир ва автомобиль бошқариш чоғидаги маслаҳатларга анча агрессив жавоб қайтаришади (14 фоиз) ва аёл ҳайдовчи бўрилиш чирогини ёқмасдан бошқа йўлакка ўтишини бирмунча кизиқиб (13 фоиз) қабул қилади. Олимларнинг тахмин қилишича, аёл ҳайдовчилар уларга қадимдан мерос бўлган ҳимоя инстинкти туфайли ўзларини шундай туттишади.

### БАРМОҚЛАР ҚОБИЛИЯТНИ НАМОЁН ЭТАДИМИ?

Инсоннинг маълум бир қобилияти кўрсаткичи ва номисиз бармоққа боғлиқлигини эшитганмисиз? Норвегиялик шифокор Карл Пинск шуни аниқлабди.



Кўрсаткич бармоғи номисиз бармоғидан қалта бўлганлар замонга хос фикрлай оладиган, шунингдек, спортга иштиёқи балан бўлар экан. Кўрсаткич бармоғи узун кишиларнинг эса хотираси кучли, мустақам бўлиши кузатилади. 42 нафар аёлнинг тестостерон гормонини кузатиш натижасида олим шу хулосага келди. Тадқиқот мазкур бармоқларнинг инсон фикрлаш даражасидаги ролини кўрсатди. Шунингдек, соғлиқ билан боғлиқ томонини ҳам қайд этди. Пинскнинг фикрича, янги тузилган гўдак она қорнида пайтада тестостерон гормони юқори даражада бўлса, аутизм ҳамда Туретта синдроми ривожланиши мумкин. Гормоннинг паст даражаси эса инсон улағианда, қўрқув, хавотир ва руҳий зўриқишни келтириб чиқариш эҳтимоли бор...

Интернет материаллари асосида Х.АҲМАДЖОНОВА тайёрлади.

Лазиз РАҲМАТОВ

# "ШАРҚИЙ ХИНД ОРОЛИ" АЖОЙИБОТЛАРИ

## ЖУҒРОФИЙ САЁҲАТ

Ҳар бир мамлакатнинг урф-одатлари, анъаналари ўзгача. Ўрганган сайин ўргангингиз, билган сайин билгингиз келади. Бугун сиз билан жуғрофий саёҳатимизни Индонезияда давом эттираемиз.

Индонезия майдонининг катталиги жиҳатдан дунёда ўн тўртинчи, аҳоли сонини бўйича тўртинчи ўринда туради (аҳолиси 2016 йил 1 июль ҳолатига кўра 260581100 киши). Жанубий-шарқий Осиёдаги ушбу мамлакат ўн етти ярим минг оролдан ташкил топан. Ороллардан иборат давлатлар ичида катталиги жиҳатдан биринчи ўринда туради. Дунёдаги энг катта ўрта оролнинг учтаси айнан мана шу худудда жойлашган. Қадимда Индонезияни "Ҳинд ороли" ёки "Шарқий Ҳинд ороли" деб аташган. 1850 йилда сингапурлик журналист Жеймс Логон ушбу худудни илк бор "Индонезия" деб атаган ва бу мамлакатнинг расмий номига айлантирган. Индо-

незия сўзи лотинча "индиан", грекчадан эса орол маъносини англатувчи "несос" сўзларининг қўшилишидан келиб чиққан. У маъмурий жиҳатдан 26 та вилоятга бўлинади. Аҳолисининг учдан икки қисми мамлакат худудининг 7 фоизини ташкил қилган Ява оролида, 70 фоизи қишлоқларда яшайди. Пойтахти — Жакарта шаҳри. Шаҳар анча ривожланган, аҳолиси гавжум, аммо бу ерда метро йўқ. Шу сабабли пойтахтда йўл-транспорт ҳодисалари кўп учрайди. Мазкур диярда 150 га яқин элат ва этник гуруҳ вакиллари яшайди. Давлат тили индонез тили ҳисобланади. Мамлакат аҳолисининг 96 фоизи, маданияти ва урф-одати кўра, малайя-полинезия тил оиласининг расмий номига айлантирган. Индо-



Индонезияликлар ислом динига эътиқод қилади. Мамлакат аҳолисининг 87,2 фоизи мусулмонлардан иборат. Ўзининг туб хинд индонезия аҳолиси эса камчилик бўлиб, улар мамлакатнинг Бали оролида истиқомат қилади. Индонезияликлар турли дин вакиллари орасидаги никоҳни қоралайди ва бунга йўл қўйишмайди. Қачонки, келин-куёвдан бири бошқасининг динига ўтишга рози бўлсагина никоҳга руҳсат берилади.



Давлатнинг расмий тили баҳаса ҳисобланса, унда фақат мактабларда, ўқув биноларида, шунингдек, мамлакатнинг расмий идораларида гаплашади, ҳолос. Ушбу мамлакатта борганда аҳолиси билан тил топишиб кетишга анча қийналасиз. Чунки Индонезияда кундалик муомалада 700 дан ортик шевадан фойдаланилади. Мамлакатта таълимга алоҳида эътибор қаратилади. 6 ёшдан 12 ёшгача бўлган болалар учун бошланғич мажбу-



рий таълим жорий этилган. Индонезия бошқа мамлакатларга асосан қурбқа оёқларини экспорт қилади. Охириги 10 йилликда Европанинг ўзи 4600 тонна қурбқа оёқларини импорт қилган. Европа мамлакатлари ичида Франция, Бельгия ва Нидерландия бу маҳсулотни импорт қилувчи асосий давлатлардан ҳисобланади. Индонезияликлар бошқа халқ вакиллари билан муомалада бироз қўпол ва одамови кўрини-

шади. Лекин аслида уларнинг кўнгли тоза, ажойиб халқ. Бу ерликларнинг қизиқ одатларидан яна бири — якка тартибда ҳеч қандай иш қилишмаслиги, ҳамма ишни иложи борида биргаликда амалга оширишларидир. Бали оролида яшайдиганлар учун ҳар кунни тиш ювиш қатъий амал қилинадиган одат ҳисобланади. Чунки Бали аҳолиси олтига шайтоний ҳислар: жаҳдорлик, тартибсизлик, рашқчилик, ичкилик-болмаслик, нафсини тия олмаслик, очкўзлик мана шу ювилмаган тишлар орқали инсоннинг ичига кириб олишига қаттиқ ишонишади. Биз яқинларимизга ўз меҳр-муҳаббатимизни билдирмоқчи бўлсак, ширин сўз айтишга ёки нимадир сува қилиб кўнглини кўтаришга ҳаракат қилаемиз. Индонезияликларда яқинларига меҳр улашишининг ажойиб усули бор: улар бурунларини бир-бирига ишқаб қўйиш билан меҳр-муҳаббатини кўрсатар экан.

Инглиз тилидан Мафтуна ХУДОЙБЕРГАНОВА таржимаси

► БИЛМАГАННИ БИЛГАН ЯХШИ

— Мен ўзимга тегишли бўлган кўчмас мулкни болалар уйига бермоқчи эдим. Бу истагимни туманимиз ҳокимлигига билдирганимда, улар мендан ҳада қилмоқчимисиз ёки хайр-эҳсонни деб сўради. Айтинг-чи, ҳада ва хайр-эҳсон шартномаси қандай фарқланади?

Тошкент вилоятининг Баҳолид Усмонов

— Ҳада шартномаси узро келишувга асосланган, текинга тузилган битим ҳисобланади. Бу шартнома ҳада олувчининг унга тақдир қилинган мулкни қабул қилишини назарда тутди.

Ҳада олувчига ҳада қилувчининг вафотидан кейин топширишни назарда тутувчи шартнома ўз-ўзидан ҳақиқий ҳисобланмайди. Бундай ҳадага нисбатан фуқаролик қонун ҳужжатларининг ворислик тўғрисидаги қонунлари қўлланилади. Ҳада мулкни ҳада олувчига ҳада қилувчининг вафотидан кейин топшириш ҳақидаги фармойиш васиятнома шаклида расмийлаштирилади.

Ҳада шартномасининг нараси ашёни келажакда бериш ёки мулкни қўққни бериш ёхуд ҳада қилувчининг муайян бир ҳуқуқдан воз кечиши (мулкни мажбуриятдан озод қилиш) бўлса, ҳада олувчи ҳада қилувчига нисбатан мажбурият ҳуқуқига эга бўлади. Шартномада ҳада қилинаётган нараса аниқ кўрсатилган бўлиши керак. Ашё, мулк ҳуқуқи ёки мулкни мажбуриятдан озод қилиш шаклида ҳада нарасини аниқ кўрсатмасдан ўзининг мол-мулкни ёки мол-мулкнинг бир қисmini ҳада этишни ваъда қилиш ўз-ўзидан ҳақиқий эмас, деб топилди. (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 502-моддаси).

Ҳада шартномасини бирор-бир шарт асосида тузиш ва тасдиқлаш ҳам мумкин. Бу шарт рағбатлантирувчи чора сифатида ҳада олувчини муайян хатти-ҳаракатга (масалан, ўқини мунаффақиятга тугатишга) ундай ёки муайян шароитларга боғлиқ бўлади (масалан, тўй). Бундай шартлар ҳада олувчи учун мажбурий ҳисобланади.

Агар ҳада шартлари қонунсиз бўлса, ҳада шартномаси ҳақиқий ҳисобланмайди.

Ҳада олувчи ўзига ҳада топширилганга қадар истаган вақтида уни рад этишга ҳақиқий. Бундай ҳола ҳада шартномаси бекор қилинади.

Умумий қоидаларда кўчмас мулкни, ашёни ёки мулкни қўққни ҳада қилиш хайр-эҳсон ҳисобланади. Умумий қоидаларда мақсад хайр-эҳсоннинг фарқи белгиланган ҳисобланади.

Хайр-эҳсонни қабул қилишга бирор кимсанинг рухсати ёки розилиги талаб қилинмайди.

Кўчмас мулк хайр-эҳсон қилинганда нотариус кўчмас мулкни, шу жумладан, қорқонани сотиш шартномасига нисбатан қўйилган талабларни бажариши лозим.

Нотариус, тарафларга Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 502-507-моддаларининг мазмунини тушунириб, бу ҳада хайр-эҳсон шартномасининг матнига ёзиб қўяди.

Саволга Оҳангарон тумани ДНИ нотариуси Фаррух ШАРИПОВ жавоб берди.

► ТИЙНАТ

Театр ва кино санъати юлдузларининг шундай ижролари бўладики, улар ўша образ сиймосида қалбларга муҳрланади.

Гавҳар Зокирова... Бу исм тилга олинганда, кўз ўнгимизда дарҳол "Тўйлар муборак" фильмидаги гўзал келинчақ намоён бўлади. Оқ либосли сарвқомат, дилбар чеҳрани эса олиб, белхитёр табассум қиламиз. Фильм илк бор намоён қилинган йиллари аксарият бўй қизлар худди у сингари келин бўлишни орзу қилишарди. Илк роллари-данок томошабин мөҳрини қозониш ҳар кимга ҳам насиб этаквермайди. Севимли актрисамизнинг мазкур фильм билан боғлиқ қандай хотиралари бор?..

Гавҳар ЗОКИРОВА



замиз, ёш келади" деганда, ҳайрат билан ялт этиб унга қараганман. Чунки мен кинода ёлгон ишлатилган деган ўйдан йироқ, фильм воқеалари қандай содир бўлса, ҳаммасини борича қабул қиладиган содда тасаввурда эдим. Кейинроқ, фильм премьрасида Хачатуров кулиб, шундай эсланган: "Гавҳар менга шундай қарадики, уялмайсизми, мендай ёш актрисага ёлгон ишлатишни тавсия қилмасизми, дегандай бўлди. Тўғри, режиссёр бу гапни айтмаслиги керак, Гавҳарнинг ёшлигини ҳисобга олиб шундай дегандим. Унинг нигоҳидаги ўша норозиликни кўриб, майли-майли, ўзинг чиқариб беролсанг, жуда яхши, дедим". Қизинг, ўша саҳна илк пробадаги режиссёрга маъқул бўлган, бадиий кенгашдан ўтиб, тасдиқланган...

— Ҳа, истеъдод тилга кирганда тилларни лол қилади. Ҳолбуки, санъатга алоқадор оилада вояга етмаган, аммо санъатнинг соҳир ҳисларидан баҳраманд бўлишни орзу қилиб, таҳсил олаётган талаба эди у. Инсон етти пуштини ўрганиши бежиз эмас, ота-боболар гени ҳам ўз "сўзини айтади". Маърифатпарвар Абдулла Авлонийдек аждодлар билан фахрланиш ҳаммага ҳам насиб қилавермайди...

— Мен бундан фахрланаман, албатта, лекин учрашувларда, ўқув даргоҳларида бўлганимда суратларини кўриб қолсам, галати ҳислар чулгайди, шу инсоннинг эварасиман, дейишга уялардим негадир. Жамшид ахам ёнимда бўлганларида, шу ҳақда гурурланиб гапирардилар. Авваламбор, ушбу тупроғи муқаддас юртимиздан қанча-қанча буюқ шахслар етишиб чиққан. Ийманим комилки, агар шу юрт инсонларининг ҳар бири етти пуштини суриштирса, улуғларимизга алоқадор ришталар албатта топилди. Яқинда олимлар ўтказган бир тадқиқотни ўқиб қолдим, туркий халқларда 55 минг йиллик ген борлиги аниқланибди. Узоқ йиллик тарихга эга Хитойда эса 51 минг йиллик, Европадаги бу кўрсаткич 17, 18 минг йиллик дейилгати. Демак, бу билан ҳам фахрланасанки арийди. Уйлайманки, тарихдан из қолдирадиган алломалар ҳали биздан кўп етишиб чиқди. Ёшлар тарихимизни, буюкларимизни ҳаётини яхши ўрганиши керак. "Ҳар миллат илм олди, ёнди чироғи", деб ёзганлар ўз вақтида Абдулла

— Кино оламига мени олиб кирган бу фильм ҳақида кўп гапирилган, эсланган, — дея ҳикоясини бошлайди у. — Фильм режиссёри Эдуард Хачатуров "фотопроба"дан ўтган бошқа номзодлар қатори мени ҳам "кинопробага" тақлиф қилди. Уша пайтлар аввалига фильмнинг энг мураккаб саҳнаси суратга олинди. Негаки, мураккаб саҳнада режиссёр талабини бажара олган актёр кейинги саҳналарда қийналмайди. Аксинча, мураккаб саҳналар кейинга қолдирилса, унгача қилинган сазй-ҳаракатлар зое кетиши мумкин. Биз актёрлар ўзимизни шунга тайёрлар эдик. "Тўйлар муборак"даги мен билан боғлиқ мураккаб саҳна дорихонадаги мулоқот эди. "Дорихоначи" Уктам опа тажрибали актриса, мен эса ҳали ёш, бу илк ролим эди. Суратга олишда йигирма-ўттиз чоғли одам бўлади, аммо атрофда ҳеч ким йўқдек образга кириш керак. Буни кино тилида "публичний одиночество" деймиз. Режиссёр киши аёл ўртасида бўлиб ўталганин ўша ҳолатни чиқариб беришим учун мендан шу воқеа ҳақиқатан сен билан рўй берса, қандай ҳолга тушардинг, деб сўраган. Тасаввур қил: тўйнинг бўлаётган кўни йигиртинг оилани, бола-чақали бўлиб чиқди, нима қилардинг, бундан оддий айтолмайсан-ку, тўғрими, дея мени руҳан тайёрлаган. Сўнг "Маболо йилгай олмасанг ҳам майли, кўзингга бир томчи томи-

Илҳам ва мазмунли ўтказишлик

► АКС-САДО

Газетамизда чоп этилаётган мақолаларнинг ўқувчиларда фикр уйғотибгина қолмай, қалам тутишга ундаётгани бизни қувонтиради.

Кейинги пайтларда газетхонларимиз япон олими Масару Ибуканинг "Уч ёшдан сўнг кеч..." (таржимон Наргис Қосимова) асари юзасидан кўплаб мулоҳазалар билдирди, бу борадаги фикрлар оқими гоҳ ёзма, гоҳ оғзаки (телефон орқали) тарзда ҳамон давом этаётир. Бу орада таниқли ёзувчи, публицист Маҳмуд Абулфайзнинг "Ўйламай гапирган..." Абдумажид Азимовнинг "Айтилаётгану амал қилинмаётган гаплар" мақолалари эълон қилинди. Кутилганидек, юртдошларимиз бу мақолаларга ҳам ўз муносабатларини билдиришмоқда.

Куйида мазкур мақолалар юзасидан юртдошларимиз билдирган фикр-мулоҳазалар тақдим этилмоқда.

ТАҲРИРИЯТ



"Хуррият" газетасининг 2016 йил 12 октябрь сонидан эълон қилинган А.Азимовнинг "Айтилаётгану амал қилинмаётган гаплар" мақоласини қизиқиш билан ўқиб чиқдим.

Маълиф бугунги кунда ҳам долзарблигини йўқотмаган мавзунини ҳаётини ва танқидий руҳда кўтарган. Дарҳақиқат, тўй фаровонлик, меҳмондўстлик рамзи саналди. У халқимизнинг орзу-умидлари ифодасидир. Тўй оилавий тадбир ҳисобланадана, уни қариндошлар, маҳалла аҳли, эл-юрт биргалликда ўтказишади. Аниқроқ қилиб айтганда, бир оиланинг қувончига бутун маҳаллага, дўст-биродар шерик бўлади.

Хўш, бугунги кунда тўйлар қай тарзда ўтказилмоқда? "Қобуснома"да шундай дейилган. "Эй фарзанд, агар меҳмон бўлсанг, ҳар кишиникига меҳмон бўлиб боравермагил, чунки шавкатингга зиён етказурсан". Ҳақиқатдан ҳам, айтилмаган тўйга бориб, хонадон соҳибини ҳам, бошқаларини ҳам хижолатга қўйиш инсофдан эмас.

Айрим тўйлар ичкилик майдонига айланиб қолапти. Бу эса ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатмоқда. Энг ёмони тўй охирида ароққа тўйиб олган меҳмонлар жанжал кўтаришади. Оқибатда

Аксарият тўйларда рақосалардан ранжийди киши. Улар ёнингга келиб, то чўнтагиндан пул чиқармагунингча олдинда "ликиллаб" тураверишади. Ҳар хил ишвалар билан ўриндиқлар оралаб пул йиғадиган отарчиларни тартибга қақирадиганлар эса камдан-кам топилади.

Тўйларни бечиким, тартибли, исрофгарчиликсиз, осойишта ўтказиш кўп жиҳатдан маҳалла фуқаролар йиғинлари, уларнинг комиссиялари тўйни қаерда ўтказиш, кимларни тақлиф қилиш, сарф-харажатларни қисқартриш юзасидан тўй эгасига беминнат ёрдам беришлари зарур. Ҳозирги пайтда тўйдан олдин ва кейин ўтказиладиган ортиқча, ҳеч кимга кераги йўқ расм-русумлар ҳаётга қадам қўяётган ёшлар билан бирга, оруз-ҳавасларни ушалаётган ота-оналар гарданига ҳам оғир юк бўлиб тушаяпти. Агарда ҳамма "эл қатори" иш тутаман, деб ўйласа қарлга ботди, тўйдан кейин ҳам анча вақтгача қийналади. Булар ҳам маҳалла раислари ва тўй эгаларининг эътиборида бўлиши керак.

Хулоса шуки, мақолада таҳририят кўтариб чиққан бу масала эътибордан четда қолмаслиги керак.

Иззатулла НОРҚУВВАТОВ, Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси

Кўрмай ёзманг

"Хуррият"нинг 2016 йил 12 октябрь сонидан босилган "Ўйламай гапирган..." сарлавҳали луқмани ўқидим-у, дарҳол муносабат билдиришга ўтирдим. Чунки Сўфи Оллоёр жамғармаси раиси Равшан Ҳожи Мирзаевнинг Сурхондарё вилоят телевидениесига эътирозларини тан олган ҳолда, унга ва луқма муаллифи Маҳмуд Абулфайзга айтадиган гапларим бор.

Хар йили Ўзбекистон худудини бир айланиб, юртимизнинг азиз тупроғида ётган улғу инсонлар — авлиёларни зиёрат қилмасам, кўнглим жойига тушмайди. Мен 2016 йил август ойининг биринчи ҳафта-сиде Сўфи Оллоёр бобо қабрини зиёрат қилгани бордим. Мақбарага кўтариладиган зинапоё бошланган жойлаги сўриларда ҳамда ерга тўшалган шолчалар устида йигирма-ўттиз чоғли ёш йигитлар оёқларини чалқаштириб, хуррак отиб ухлаб ётишди. Бу ер қабрлар жойлашган зиёратгоҳи ёки санаториями? Айланиб ўтмоқчи бўлган эдик, атрофимизни латта-путта сотаётган хотинлар ўраб олишди. Бу ер авлиё отамиз ётган зиёратгоҳи ёки луқмалар бозорими? Чанг босган, плиталари кўчган, ушлагичлари яроқсиз ҳолга келган зиналардан бир амаллаб ўтиб, мақбара ичка-рисига кирдик. Бундан қаранг, 2009-2010 йилларда бунёд этилган мақбаранинг тепа қисмида ички томондан тахминан икки-уч митр ҳаммида жой ўпирилиб тушибди. Наҳотки, шуни таъмирлаб қўйишнинг иложи бўлмасми?!

Курьон тиловат қилиб, савобини Сўфи Оллоёр бобога бағишлаб, сўнг зинадан паства тушганимизча хуррак отиб ёки отмай уқлайдиган йигитлар сони кўпайиб қолдиби. Бундай манзарага энсангиз қотмай иложи йўқ.

Мен мақбарани ва зиёратгоҳнинг бутун худудини айланиб Сўфи Оллоёр бобога дахлдор бирорта ҳам ёзув, маълумот, манба топмадим. Қирқ-эллик ёшлардаги бир киши шу ерда мутасадди экан. Ҳеч бўлмаганда ул зотнинг таржиман ҳоли ҳақида матли бир варақ қоғоз нашр қилишнинг иложи йўқми, деб сўрадим ундан. У менинг журналистлигимни билгач, мана бундан сотиб олақолдинг деб, қўлимга Моҳидул Бобонининг 2012 йилда нашр қилинган "Саботул-ожиин" манзумасининг гоъвий-бадиий тақлини" деган китобини тутқазди ва "бизда бошқа маълумот йўқ деди.

"Менимча, — деб ёзди луқмада Маҳмуд Абулфайз, — тарихий манзилларга, қутлуғ зиёратгоҳларга шунчаки бориб, шунчаки қайтмаслик керак. У ердаги маълумотларни сўраб-суриштириб, айни ерда макон тутган зот ҳақида муайян маълумотларга эга

бўлмоқ зарур". Шерободлик мусававирга ўшаганларнинг адашмаслиги ёки алжирасмаслиги ҳам, ёш йигитларнинг бу ерда ухлаб ором олмасликлари ҳам, зиёратгоҳ латта-путта бозорига айланмаслиги ҳам, беш-олти йил олдин бунёд этилган мақбаранинг тез орада таъмирталаб бўлиб қолмаслиги ҳам, бирорларимиз Равшан Ҳожи Мирзаев бу даргоҳда яратган шарт-шароити ва у қай даражада назорат ўрнатганига боғлиқ.

Ҳамкасбим Маҳмуджонга маслаҳат шуки, бирорнинг "қуюнчақ" лигига ишонсангиз, панд еб қоласиз. Қўриб ва билиб ёзиш сизни ўйламай гапирганларнинг хатосидан сақлайди.

Равшан Ҳожи бирорларимга мен ҳеч бўлмаганда Эллиққалъадаги Султон Увайс Қараний, Гиждувондаги Абдуллоҳи Гиждувоний, Самарқанддаги Ҳожа Аҳрор Валий ва Дониёр Пайғамбар, Тошкентдаги Қайғул Шойиш, Шайх Хованди Тоҳур ва Шайх Зайниддин каби ободонлаштириш, таъмирлаш, тозалаш-озодлаш, яратилган шарт-шароит, назорат ўрнатиш даражаси ва зиёратчилар сони ўртача бўлган манзилгоҳларни кўздан кечириб, улардаги ибратли жиҳатларни Сўфи Оллоёр бобо зиёратгоҳида қўллашни маъқул кўрган бўлардим.

Менинг холисона бу фикримдан ҳеч кимнинг кўнгли озор топпайди деб ишонаман. Аслида ниятимиз бир. Эҳти-мол, ҳар учаламизга бир пайтда Сўфи Оллоёр бобо зиёратгоҳида учрашиш насиб этар.

Иброҳим ҲОҶИ НОРМАТОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

2016 йил — соғлом она ва бола йили

Қариндошнинг Қондошнинг

Собир университетни бу йил битиради. Табиийки, бундай пайтда уйдагилари ҳар бир йигитни уйлантириш пайтда бўлади. Дастурхон бошида бувиси Мастура момо Собирни уйлантириш ҳақида гап очиб:

— Амакиннинг қизи бир эсли, бир чиройли қиз бўлган, ошиги кўп дейишяпти, — дея гапни узоқдан бошлади. — Собиржон, болам, кел, шу қизни бегона қилмайлик, Азиза сенга худаям мос.

Бувисининг гапини икки қилиб ўрганмаган Собир, бу масалага келганда, олатига хилоф иш қилди...

— Бувижон, ахир, Азизани синглимдек кўраман, — деди у.

Бироқ момо айтганидан қолмади... Халқимиз азал-азалдан оила, никоҳ масаласига ниҳоятда жиҳдий ёндашган.

Ҳамиша юқори бўлади. Бир-бирига умуман бегона бўлган эр-хотиннинг туғилажак боласига қараганда, қариндошлар ўртасидаги ирсий касалликлар хавфи 3-4 баробар кўплиги қузатилади. Бу касалликлар баъзан боланинг ёшлигида билинмаслиги мумкин, ёши ўтавергач, касалликлар намоён бўлади. Айрим ҳолларда эса биринчи авлод ёни боласи умуман соғлом бўлиб, неварра, эвара ва кейинги авлодларда юз бериши мумкин.

Келин тушираётган хонадон, бўлажак келинини ўз қизларидек қабул қилишлари, ўз уйларида соғлом муҳитни яратишлари, соғлом бола туғилишининг муҳим шартларидан ҳисобланади.

Ўқувчиларимиз мақоламиз аввалдаги воқеа келин билан туғиди экан, дея қизиқтириётган бўлса керак, воқеамиз яхшилик билан ниҳоясига етди. Мастура аяга маҳалла фалолари, оила аъзолари тушунтиришди. Момо хато қилиётганини, икки набирасини мажбурият оила қуришга қўйиётганини тушуниб етди. Собир ҳам, Азиза ҳам ўзлари танлаган инсонлар билан турмуш қуришиб, фарзандли бўлиши. Уларни соғ-саломат воғга етказишмоқда.

Меҳрибон ЭШҚУВВАТОВА





## Улкан мақсадларга муносиб раъбат

Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётидаги янгиланишлар, унинг реал сектори ва барча тармоқларида кўлга киритилаётган ютуқларда банк-молия муассасаларининг ҳам салмоқли ҳиссаси бор.



Тўрақўрғон туманидаги "Тўрақўрғон барака замин" хусусий корхонаси ҳудуд енгил саноати ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган ишлаб чиқариш қувватларидан. Бу ерда йигирма турда трикотаж кийим-кечаклар тайёрланмоқда.

Тадбиркор Бобур Мирзаев "Агробанк"нинг молиявий кўмагида ташкил этган хусусий корхонада 60 нафар хотин-қиз меҳнат қилмоқда. Уларнинг аксарияти касб-хунари

ги ва аҳоли турмуш фаровонлигининг ошишига эришилди. — Ҳаётимиз кундан-кунга тўқин ва фаровон бўлиб бормоқда. Буларнинг барчаси мамлакатимизда халқимизга муносиб турмуш шарт-шароитларини яратиш йўлидаги улкан ислохотларда намоён бўлмоқда, — дейди "Жамшидбек Қўзибой ўғли" фермер хўжалиги раҳбари Анвар Умаров. — Ана шу сазй-ҳаракатларда деҳқон-фермерларимиз ҳам муносиб иштирок этаётди. Албатта, булар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Соҳага қаратилаётган эътибор, ғамхўрлик ва молиявий кўмак эриштирилган ютуқларимизда

ўз аксини топмоқда. Шу сабабли ҳам деҳқон-фермерларимиз улкан марраларни кўлаб меҳнат қилаётди. Фаолиятимиз янада кенгайтириш мақсадида кўпгина бизнес режалар устидан иш олиб бордим. Аҳоли истеъмол учун куз ва қиш мавсумларида ҳам лимон, помидор, бодринг ва ҳар хил кўкат маҳсулотларини етказиб бериш мақсадида иссиқхона ташкил этишга тўхтадим. Бу борда доимий ҳамкоримиз "Агробанк"нинг Норин филиали яқин кўмакчи бўлди. Ушбу банкдан лойиҳамизга асосан 50 миллион сўм кредит маблағи олиб, ишни бошладик ва қўшимча 4 та иш ўрни яратишга ҳам эришилдик.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, "Агробанк" АТБ томонидан тадбиркор ва фермерларга кўрсатилаётган хизматлари, йўналтирилаётган сармоялар уларнинг фаолиятини кенгайтиришга, пировардида эса мамлакатимиз иқтисодиётининг янада тараққий этишига ҳамда юрт ободлиги ва аҳоли фаровонлигининг ошишига муносиб улуш бўлиб қўшилмоқда.

Хайрулла ХОЛТЎРАЕВ

Биринчи Президентимиз томонидан ҳаётга тадбиқ этилган ривожланишнинг "Ўзбек модели" ҳозирга келиб, босқичма-босқич юксалиши-мизда муҳим омил бўлаётди. Бу эса банкларнинг капиталлашув даражаси изчил ортаётганида, тизимнинг ликвидлиги даражаси мустаҳкамланиб, кредит портфелининг асосий қисми яқин манбалар ҳиссасига тўғри келаётганида, банк хизматларидан фойдаланаётганлар сонининг кўпайишига яқин кўламли бўлмоқда. Бунинг биринчи "Агробанк" акциядорлик тижорат банки томонидан олиб борилаётган ишлар тахлилида янада аниқроқ кўришимиз мумкин.

Хусусан, банкнинг 2016 йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, умумий капитали 534 миллиард сўм, устав капитали эса 368 миллиард сўмни ташкил этди.

Банк томонидан кўрсатилаётган замонавий ва сифатли хизматлар, тадбиркор ишбилармонлар учун имтиёзли шартларда ажратилаётган маблағлар ҳудудларда истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш ва шу орқали кўлаб янги иш ўринлари яратиш

Хизматлар лицензияланган

Мамлакатимиз молия-банк хизматлари бозори соғлом рақобат муҳитида ривожланиб бормоқда. Хизматларнинг қулай шартлар асосида тақлиф этилиши эса молия муассасалари миқозлари сонининг ортиб боришига хизмат қилапти.



## ЎЗИМИЗНИНГ АВТОМОБИЛЛАРНИ СОТИБ ОЛМОҚЧИМИСIZ?

унда «Туронбанк»ка мурожаат қилинг

Ўртимиздаги йирик молия ташкилотларидан бири "Туронбанк" АТБ томонидан ҳам тақлиф қилинаётган банк хизматлари ўзининг қулай шартларга эгалиги, банк хизматларининг тезкор кўрсатилаётгани билан ажралиб туради. Банк ва унинг филиаллари мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ўзининг молиявий кўмаги билан



фаъл иштирок этиб келаётди. Бу ўз навбатида жойларда кичик бизнес, саноат корхоналарининг бунёд этилишига ҳамда янги иш жойларининг ташкил қилинишида яққол намоён бўляпти. Молия ташкилоти миқозларга кредитлар тақдим этиш билан бир қаторда замонавий ва тезкор банк хизматларини ҳам тақлиф этиб келади. Барчага яқин маълумки, Ўзбекистон Республикаси дунёда автомобиль ишлаб чиқарувчи саноқли давлатлар қаторига кирди. Истиқбол йилларида саноатнинг ушбу тури кескин ўсишга эришиди. Миллий автомобилларимизни сотиб олишни оруз қилмайдиган юртдошларимиз бўлмаса керак. «Туронбанк» мамлакатимизда ишлаб чиқарилган автомобилларни сотиб олиш ниятидаги ҳамюртларимизга жуда қулай имкониятни тақдим этмоқда.

Мамлакатимиз аҳолисининг автотранспорт воситаларига эҳтиёжларини Хизматлар лицензияланган

дот аванс» омонат жамғармасига топшириш йўли билан расмийлаштирилади.

Иккиламчи бозордан автомашина сотиб олиш истагида бўлган юртдошларимиз республикамиз ҳудудида фаолият кўрсатаётган «Туронбанк» филиалларида ушбу омонатларга пул маблағини қўйиб, кредит расмийлаштиришлари мумкин.

Шунингдек, мазкур омонатларга қўшимча равишда «Автокредит люкс» ва «Автокредит плюс» жамғарма омонатлари ҳам жорий қилинди. Бу қўшимча омонатларда автокредитлар халқимизга янада қулай шартларда тақлиф қилинмоқда.

Шу ўринда қўшимча омонатларга пул маблағлари қўйилиб, ажратилаётган кредитга қисқача тавсиф бериб ўтсак. Жумладан, «Автокредит плюс»

Агар Сизга «Туронбанк» АТБнинг кредитлаш шартлари маъқул бўлса, банк филиалларига ариза билан мурожаат қилишингизни тавсия этамиз. Зеро, «Туронбанк»нинг мақсади халқимиз турмушининг юксалиши ва оилаларга хурсандчилик улашишдан иборат.

жамғарма омонатига бошланғич бадал маблағи пластик картонка орқали топширилади.

«Автокредит люкс» жамғарма омонатига эса бошланғич бадал маблағи фақат нақд пулда топширилади ва омонатга йиллик 18 фоиз ҳисобида устама тўланади.

Жамғарма омонат ҳисоб варағига топшириладиган бошланғич бадал маблағи ҳамда кредит эвазига сотиб олинмаган автотранспорт воситаси кредит таъминоти сифатида гаровга олинади.

Кредит қоллиги кредит таъминоти сифатида гаровга олинган омонат маблағига тенгласанда, омонатдаги маблағ кредит қоллигини сўндириш учун йўналтириш мумкин.

Мазкур кредитлар ўзимизда ишлаб чиқарилган, иккиламчи бозорда сотилаётган, ишлаб чиқарилганга етти йилдан ошмаган автотранспорт воситаларига тақдим этилишини айтиб ўтмоқчимиз. Автотранспорт сотиб олиш учун кредит олувчилар шартнома тузилгунга қадар 18 ёшга тўлган, тўлиқ муомала лаёқатига, Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш жойи ва иш жойига эга бўлган, доимий даромад манбаи бўлган юртимиз фуқаролари бўлишлари шарт.

Шолазиз ШОХИДОВЕВ  
"Hurriyat" мухбири

### ХУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАРИ!

# "Асака" банк

2016 йил "Соғлом она ва бола йили" деб эълон қилиниши муносабати билан қуйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини тақлиф этади:

## "СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА"

Ушбу омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

**Сизнинг омонатларингиз:**

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгаллик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- микдори чекланмаган!

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банкларгаги омонатларини кафолатлаш жамғармаси томонидан кафолатланади

**"Асака" банк сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!**

www.asakabank.uz Хизматлар лицензияланган

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-84-84
Наманган вилоят филиали	369	227-15-15
Автотранспорт филиали	371	120-39-81
Навоий вилоят филиали	436	770-21-21
Шайхонтохур филиали	371	140-99-99
Зарафшон филиали	436	572-40-40
Юнусобод филиали	371	221-80-80
Бухоро вилоят филиали	365	770-05-05
Сирғали филиали	371	257-44-44
Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-11
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-84
Самарқанд вилоят филиали	366	233-65-65
Андижон вилоят филиали	374	223-60-60
Афросиёб филиали	366	221-71-71
Асака филиали	374	233-21-21
Қашқадарё вилоят филиали	375	221-07-07
Фарход филиали	374	226-95-95
Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-82
Фаргона вилоят филиали	373	244-39-39
Қорақалпоғистон филиали	361	770-80-80
Марғилон филиали	373	237-62-62
Хоразм вилоят филиали	362	228-14-14
Олтиариқ филиали	373	432-19-19
Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-44
Кўкон филиали	373	542-61-61
Жиззах вилоят филиали	372	226-26-26

## Ранглар олами

Яқинда "Илҳом" театр студиясида ёш, истеъдодли мусаввир Шаҳзода Юсупжонованинг "Яша, сев, ярат" деб номланган илк шахсий кўргазмасининг очилиш маросими бўлиб ўтди. 21 ёшли расом "Shaku" тахаллуси остида ўз ижод намуналарини ҳамюртларимиз эътиборига ҳавола қилди.

Шаҳзода болаликдаги расм чизишга бўлган қизиқиши вақт ўтиб сеvimли касбга айланишини ўйламаган эди. Унинг устози — расом Ҳаким Мирзаахмедов ва бошқа тажрибали расомларнинг фикрига қараганда, ёш расомнинг бу дадил қадами унинг ижодий имкониятлари кенгаётганидан дарак беради.

Кўргазмадаги расмлар ўзининг ранг-баранглиги билан кишини ҳайратлантиради: улар манзарали расмлар, натюр-морт ва қизиқarli талқиндаги бошқа ижод маҳсулотларидир. Буларнинг барчасини бир-бирига ёшлик ва беғуборлик боғлаб туради.

Ижодкорнинг диққатта молик ишларидан бири бувисининг расмидир, тадбир ҳам шу инсонга бағишланган.

Шаҳзоданинг айтишича, унинг тасвирий санъатга меҳр қўйишида бувисининг ҳисаси катта. Айнан у киши неварасидаги қобилиятни биринчи бўлиб пайқаган. Оқибатли Шаҳзода унга меҳр кўрсатган инсон қиёфасини акс эттиришни маънавий бурчи деб ҳисоблайди.

Ёш расомнинг таъкидлашича, унинг ижодида маълум бир чегара йўқ, у ҳаётда кўриб илҳом олган барча нарсани қоғозга туширади. Ижодкор баъзи расмларида ўзини ҳам акс эттирганини кўриш мумкин. Расмларда унинг ҳислари, кайфияти ва оламга қай қўз билан қараши намоён бўлган.

**Нигора МАҲҚАМОВА**